

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

САТТОРОВ АЛИШЕР ХАСАН ЎҒЛИ

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ КЎП ПОҒОНАЛИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Сатторов Алишер Хасан ўғли

Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш.....3

Сатторов Алишер Хасан угли

Совершенствование многоуровневой системы аудиторской деятельности...25

Sattorov Alisher Khasan ugli

Improvement of the multi-level system of audit activity.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

САТТОРОВ АЛИШЕР ХАСАН ЎҒЛИ

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ КўП ПОҒОНАЛИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.Phd/Iqt589 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tfi.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Мамаюнус Каршибаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Астанакулов Олим Таштемирович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 01 кунли соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (131 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 01 кунли таркатилди.
(2021 йил «08» 01 даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабает

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мустақил ва холис аудиторлик фаолиятининг ўрни бекиёсдир. Сўнгги йилларда дунё мамлакатларида аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини ташкил этувчи давлат аудити, аудиторлик фаолиятини назорат қилувчи органлар, ички аудит институтлари, халқаро профессионал ассоциациялар фаолияти такомиллашиб бормоқда ва ушбу соҳада фаолият юритаётган аудиторлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, “Сертификатланган жамоат бухгалтерлари ассоциацияси (The Chartered Association of Certified Accountants-АССА) 178 дан ортиқ давлатларда 700 мингта”¹, “Америка сертификатланган жамоат бухгалтерлари институти (American Institute of Certified Public Accountants – АІСРА) 143 дан ортиқ давлатларда 450 мингта”², “Халқаро ички аудиторлар институти (The Institute of Internal Auditors, ІА) 150 дан ортиқ давлатларнинг аудиторлик фаолиятини тартибга солиш жараёнида фаол иштирок этувчи жамоатчилик ташкилотлари, шу билан бирга, ички аудит соҳасида банд бўлган 180 мингдан ортиқ аъзони бирлаштиради”³. Таъкидлаш жоизки, аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар қонунчилиги ва илғор тажрибасини амалиётга жорий этиш, аудиторлик ташкилотлари ва аудит хизматлар бозорини таҳлил қилиш энг долзарб ва ўрганилиши зарур бўлган масалалардан саналади.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро аудиторлик амалиётида олиб борилган тадқиқотлар натижасида тегишли ваколатли орган ва жамоат ташкилотлари томонидан аудиторлик ташкилотлари аудит текширувининг иш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини ташкил этиш самарали механизмларини таркиб топтириш, мазкур тизимдаги турли поғоналар ўртасидаги функционал боғлиқлик ва изчилликни таъминлаш, давлат аудити, аудиторлик фаолиятини назорат қилувчи органлар, ички аудит институтлари, халқаро профессионал ассоциацияларнинг иш фаолияти меъёр ва стандартлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш, бозор иқтисодиётининг турли шароитларида аудиторлик ташкилот ва идоралари ўртасидаги устуворлик ҳамда бўйсунувчанлик тамойилларининг самарали ишлашини таъминловчи дастакларни йўлга қўйиш, аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизими концепциясини ишлаб чиқиш, халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик ташкилотларида иш сифатини таъминловчи ички стандартларни қўллашни такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган очиклик ва шаффофлик сиёсати, шунингдек, иқтисодиётимизни жаҳон стандартлари асосида ривожлантириш,

¹ www.accaglobal.com халқаро ахборот сайти.

² <https://en.wikipedia.org/> халқаро ахборот сайти.

³ www.hocktraining.com халқаро сертификациялаш дастури бўйича ахборот сайти.

молиявий секторни рағбатлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш олдимизда турган вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар муносабати билан аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг умумий механизми ва аудиторлик ташкилотлари томонидан алоҳида тақдим этилувчи аудиторлик хизматларининг ўзаро боғлиқлигини шакллантириш ва тадқиқ этиш аудитни ривожлантиришнинг истикболли йўналиш ҳисобланади. Бугунги кунга қадар бу масалага етарлича эътибор қаратилмаган. “Хусусан, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқаради, бунинг оқибатида аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда”⁴. Шу муносабат билан, аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини шакллантириш орқали аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва аудиторлик текшируви сифатини оширишнинг назарий ва услубий йўналишларини комплекс олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ушбу соҳадаги тадқиқотлар доирасини кенгайтиришга илмий ва амалий қизиқиш ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сон “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 13 мартдаги 218-сон “Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аудиторлик фаолиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг умумназарий жиҳатлари хорижий мамлакатлар олимларидан В.И. Петрова, И.З. Утяшев, И.В. Федоренко, М.А. Азарская, Я.В. Соколова, С.И. Жминько, И.В. Бардина, С.М. Бычкова,

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли қарори. www.lex.uz

Р.П. Булыга, С.В. Солончев, Т.В. Ножкина, А.Д. Шеремет ва Э.А. Сиротенко⁵ илмий ишлар олиб борганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар М.М. Тўлахўжаева, А.К. Ибрагимов, А.А. Каримов, Н.Ф. Каримов, Р.Д. Дусмуратов, К.Б. Ахмеджанов, И.Н. Қўзиев, Б.Қ. Ҳамдамов, М.Қ. Пардаев, А.З. Авлокулов⁶нинг илмий ишларида аудиторлик фаолияти, аудиторлик текшируви, мажбурий ва ихтиёрий аудитнинг хусусиятлари, ички аудитнинг амалий аҳамияти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг поғоналари, аудиторлик ташкилотлари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар илмий-услубий ҳамда амалий жиҳатлари ўз аксини топган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТМ-3 “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

⁵ Петрова В.И. Концепция аудита: основные элементы / В.И. Петрова // Аудиторские ведомости. - 2009. - № 12. - С. 3-15., Утяшев, И.З. Мировой экономический кризис и современный аудит / И.З. Утяшев // Вестник БИСТ. - 2010. - № 7. - С. 59., Федоренко, И. В. Развитие аудита как науки /И.В. Федоренко, Г.И. Золотарева // Аудит и финансовый анализ. - 2010. - № 2. - С. 214., Азарская, М.А. Теория и методология обеспечения качества аудита : дис. ...д-ра. экон. наук : 08.00.12 /Азарская Майя Анатольева. – Йошкар-Ола, 2009. - 33 с., Соколов, Я.В. История бухгалтерского учета / Я.В. Соколов, В.Я. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 2004. - 181 с., Жминько С.И. Этапы развития и современные виды аудита / С.И. Жминько, П.В. Бырдина // Аудитор. - 2011. - № 6. - С. 26., Бардина И.В. Бухгалтерское дело/ учебник. Москва 2015 г. 62 с., Булыга Р.П. Современный этап развития финансового контроля и аудита. // Бухгалтерский учет, анализ и аудит: настоящее и будущее. Сборник трудов научной конференции памяти С.Б. Барнгольц. – Тольяти: ТГУ, 2009. – С. 37., Солончева С.В. Методические основы разработки внутрифирменных стандартов аудиторской деятельности: диссертация к.э.н.: 08.00.12., Ножкина Т.В. Международный аудит [текст]. учебное пособие. – Петропавловск-Камчатский: КамчатГТУ, 2007. – 127 с., Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 448 с., Сиротенко Э.А. Внутрифирменные стандарты аудита. Учеб. пособие. 2-е изд., испр. – М.: КНОРУС, 2006. – 224 с.

⁶ Тўлахўжаева М.М. Корхона молиявий аҳволи аудити. //Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996 й. 193 б., Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. –Т.:Молия, 2015.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2009. -38 бет.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва уни услубиётини такомиллаштириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 39 б.; Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш. Дисс. Банк-молия академияси. 2008 й. 12-бет.; Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. -Тошкент-2016. - 44 бет., Қўзиев И.Н. иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳиботини тузиш ва умуллаштириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореф. Тошкент-2017.; Ҳамдамов Б.Қ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореф. Тошкент-2007., Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Автореф. –Т.: 2007., Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити: назария, методология ва амалиёт. Монография. –Т.: “iqtisod-moliya”, 2019. -192 б.

ривожланган давлатлар тажрибаси ва миллий иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиқиб, аудиторлик фаолиятининг сифатини таъминловчи кўп поғонали тизимини ўрганиш, уни самарали тарзда ташкил этиш йўналишларини аниқлаш;

аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг концепциясини ишлаб чиқиш;

халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлик ташкилотларида иш сифатини таъминловчи ички стандартлар концепциясини такомиллаштириш;

аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг давлат аудит фаолияти ва институтларини ривожлантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

аудиторлик фаолияти сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида аудиторлик фаолияти концепцияси асосида аудитнинг услубий инструментларини кўп поғонали тизим сифатида такомиллаштиришга қаратилган ёндашувларни асослаш;

аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштиришда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, иқтисодий-статистик, қиёсий таҳлил, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аудит хизматлари бозорида аудиторлик ташкилотларига устав капиталининг миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда аудиторлик фаолиятини юритиш орқали аудит иш сифатини таъминлаш асосланган;

муайян хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик фаолиятини кетма-кет етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказиш асосида аудиторлик ташкилотлари фаолият самарадорлигини ошириш таклиф этилган;

аудит иш сифатини ҳар уч йилда камида бир марта ташқи назоратдан ўтказиш орқали аудиторлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш зарурлиги асосланган;

аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари таркибини умумий, ишчи, ҳисобот ва махсус гуруҳларга ажратиш асосида шакллантириш орқали халқаро аудит стандартларига мувофиқлаштириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг умумийлаштирилган модели ишлаб чиқилган;

халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари такомиллаштирилган;

аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг иш фаолияти ва ваколатлари кенгайтирилган;

аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг асосий поғоналаридан бири сифатида давлат аудити институтини ривожлантириш ва кучайтириш бўйича тавсиялар берилган;

аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган турдош хизматлар таркибини молиявий маълумотларнинг ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш хизматини киритиш орқали кенгайтириш асосланган;

ўрганилган халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда қонун ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида кутилаётган ва ретроспектив натижаларни ўрганиш бўйича таклиф берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқотда аудиторлик ташкилотлари маълумотларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий статистик маълумотлари асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни бажаришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аудиторлар жамоат бирлашмаларининг аудиторлик ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиш, халқаро стандартлар асосида аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аудит хизматлари бозорида аудиторлик ташкилотларига устав капиталининг миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда аудиторлик фаолиятини юритиш орқали аудит иш сифатини таъминлаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентабрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарорида ўз аксини топган (Молия вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 06/04-02-01-32/1770-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари иш фаолиятининг кенгайтириш ва улар ўртасида соғлом рақобатнинг юзага келиши имконияти яратилган;

муайян хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик фаолиятини кетма-кет етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказиш асосида аудиторлик ташкилотлари фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарорида ўз аксини топган (Молия вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 06/04-02-01-32/1770-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши аудиторлик ташкилотлари молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда бу фаолият турини янада ривожлантиришга хизмат қилган;

аудит иш сифатини ҳар уч йилда камида бир марта ташқи назоратдан ўтказиш орқали аудиторлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон қарорида ўз аксини топган (Молия вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 06/04-02-01-32/1770-сон маълумотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатасининг 2020 йил 24 июлдаги 26-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ошириш, ахборотларнинг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланишига хизмат қилган;

аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари таркибини умумий, ишчи, ҳисобот ва махсус гуруҳларга ажратиш асосида шакллантириш орқали халқаро аудит стандартларига мувофиқлаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатаси томонидан аудиторлик текширувларини сифатли амалга ошириш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар Палатасининг 2020 йил 24 июлдаги 26-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши аудиторлик текширувлари сифатининг ошишига, уларга сарфланадиган вақт ва харажатларнинг қисқаришига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг **“Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини ташкил этишнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида аудитнинг юзага келиши, аудиторлик фаолиятининг моҳияти, унинг ривожланиш тарихи, аудитнинг турлари, аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлил қилинган.

Бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган жадал ўзгаришлар жараёнида иқтисодиётнинг барча соҳаларида бўлганидек аудиторлик фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам қабул қилинган аудиторлик фаолияти ва у билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар янада такомиллаштирилмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами жаҳон тажрибаси талабларига мос бўлишини таъминлашдан иборат.

Иқтисодчи олим И.З.Утяшев аудитнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, “жаҳон аудитининг тарихи, унинг асосий ўзгаришлари, одатда, иқтисодий инқирозлар ёки йирик корпоратив можаролар туфайли юз бериши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун XXI аср бошида юзага келган жаҳон иқтисодий инқирози аниқ аудитни ривожлантириш тарихида “чиқиш нуқтаси”⁷ бўлади деган ғояни илгари сурган.

Инглиз олими Л.Р.Дикси аудитни баланснинг тўғри ва ҳаққонийлигини тасдиқлаш билан боғлиқ иш сифатида белгилайди, бу ҳужжатларни текшириш ва моддий қийматликларни инвентаризация қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Дикси аудитнинг мақсадини фирибгарлик, тасодифий хатолар, нотўғри ҳисоб методологиясини аниқлаш сифатида белгилайди⁸.

Профессор Р.Дусмуратовнинг фикрича, аудиторлар ҳақида уларни акциядорлар олдидаги масъул шахслар деб қараш «Компаниялар тўғрисидаги қонун» қабул қилиниши билан ўзгарган. Ушбу қонунга мувофиқ барча компаниялар ўз молиявий ҳисоботларида фойда ва зарарларни мажбурий равишда кўрсатиши белгилаб қўйилган⁹.

Муаллифнинг фикрича, аудит хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларини мустақил равишда таҳлил қилиш, баҳолаш ва у тўғрисида объектив фикр билдириш жараёнидир.

⁷ Утяшев И.З. Мировой экономический кризис и современный аудит / И.З. Утяшев // Вестник БИСТ. - 2010. - № 7. - С. 59.

⁸ Соколов Я.В. История бухгалтерского учета / Я.В. Соколов, В.Я. Соколов. – М.: Финансы и статистика, 2004. - 105 с.

⁹ Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш. Диссертация. // Банк-молия академияси, 2008 й. 13-б.

Аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш аудиторлик текшируви ўтказиладиган мижознинг хусусиятларини ўрганиш, барча зарур назорат тартибларини стандартлаштириш ва синов натижаларини ҳисобга олиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, ҳозирги шароитда аудиторлик ташкилотлари кўрсатаётган хизматларга янги ишлаб чиқилган ва ривожланаётган янги профессионал талабларни такомиллаштириш жараёни давом этмоқда.

Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизими аудиторлик фаолиятини қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш, бюджет маблағларини давлат томонидан ташқи ва ички аудит орқали таҳлил қилиш, тегишли орган ва жамоат бирлашмалари орқали аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, шунингдек, аудиторлик ташкилотлар томонидан аудиторлик текширувлари ва турдош хизматлар кўрсатиш тизимидир.

Таdqикотлар натижасида аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг умумлашган модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Аудиторлик фаолиятининг биринчи поғонаси давлат аудити замонавий аудитнинг бир тури ҳисобланиб, сўнгги йилларда жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.


Давлат аудити – миллий ресурсларни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган касбий фаолият тури бўлиб, уларнинг энг муҳимлари давлат молияси, мулки, табиий бойликлари, интеллектуал капитал ҳисобланади. Давлат аудити фақат давлат тузилмаларининг молиявий ҳисоботларини текшириш билан чекланиб қолмайди, унинг асосий вазифаси давлат ва жамият номидан давлат органларининг ўзига ишониб топширилган давлат ресурсларини бошқариш фаолиятининг мустақил объектив жамоатчилик назоратини таъминлашдан иборат.

Иқтисодчи олим Р.П. Булыга Давлат аудитини «ижро этувчи ҳокимият идораларига қарам бўлмаган ва қонунчилик органларига ҳисобот берувчи ихтисослаштирилган бошқарув органлари томонидан амалга оширилувчи молиявий назорат тури» деб таърифлайди. Шундай қилиб, бу муаллифнинг фикрича, давлат аудитини давлат назоратининг бошқа турларидан фарқловчи асосий элемент унинг органларидаги конституцион-ҳуқуқий ҳолат ҳисобланади¹⁰.

Мамлакатимизда давлат аудити ва назорати функциялари Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати бош бошқармаси, Солиқ қўмитаси ва Божхона қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Аудиторлик фаолиятининг иккинчи поғонаси давлат назорати бўлиб, мамлакатимизда мустақил аудит текширувлари давлат томонидан тартибга солинади ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан мувофиқлаштирилади. Шу мақсадда, Ўзбекистонда ҳам махсус қонунлар, турли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва аудиторлик жамоат ташкилотлари тузилган.

¹⁰ Булыга Р.П. Современный этап развития финансового контроля и аудита. Бухгалтерский учет, анализ и аудит. Сборник трудов научной конференции памяти С.Б. Барнгольца. – Тольяти: ТГУ, 2009. С. 37.



1-расм. Аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг умумлашган модели¹¹

¹¹ Таҳқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Республикамизда аудиторлик фаолиятининг ташқи назоратини тартибга солиш ва ривожлантириш вазифасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (ЎЗБАМА), Ўзбекистон Аудиторлар палатаси (ЎЗАП) амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, тартибга солиш ва ривожлантиришда асосий вазифани бажарувчи давлат органидир. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси — малака сертификатига эга мустақил аудиторларни ихтиёрий тарзда бирлаштирувчи, мустақил нотижорат жамоат ташкилотидир. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг илмий-методик асосларини яратиш, аудиторлик фаолияти, солиққа тортиш, хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, корхоналар молия-хўжалик фаолияти таҳлили ва молиявий менежмент бўйича қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва миллий стандартларни ишлаб чиқишда қатнашади.

Аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг учинчи поғонаси мустақил аудит бўлиб, унинг асосини аудиторлик фаолиятига оид қонунлар, қарорлар, низомлар, йўриқномалар ҳамда аудиторлик фаолияти стандартлари ташкил этади.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти мустақил аудитининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қуйидагича туркумланади:

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун.
2. Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик йўриқнома ва низомлари.
3. Халқаро аудит стандартлари.
4. Касб этикаси.

Аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизмининг 4-поғонаси “Ички аудит тизими” бўлиб, ички аудит мамлакатимиз аудит тизимида муҳим ўринга эга.

Хўжалик юритувчи субъектда ички аудит объектив ва мустақил маслаҳатлар ҳамда хўжалик юритувчи субъект фаолиятини яхшилаш кафолатларини беришга қаратилган фаолиятдир. Ички аудитнинг мақсади рискларни баҳолаш, уларни камайтириш йўллари топиш, шунингдек, бизнес-жараёнлар даромадлилигини оширишдан иборат.

Мамлакатимизда ички аудит фаолияти бюджет ташкилотларида ички аудит тизими, банклардаги ички аудит тизими ва акциядорлик ташкилотларидаги ички аудит тизимидан ташкил топган.

Аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг 5-поғонасини аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилувчи хизматлар ташкил этади. Аудиторлик ташкилотлари мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган аудиторлик фаолияти билан боғлиқ турдош хизматларни кўрсатади. Сўнгги йилларда ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ва турдош хизматларга талаб ортиб бормоқда.

Диссертация ишининг “**Аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимини ташкил этишнинг хорижий тажрибалари**” номли иккинчи бобида Европа, Америка, Осиё ва МДХ мамлакатларининг аудиторлик фаолияти, унинг норматив-ҳуқуқий асослари, давлат маблағлари ва бойликлари тўғри сарфланаётганлигини назорат қилувчи давлат аудити органининг фаолияти, унинг таркиби, асослари ва иш фаолияти ўрганилди, шунингдек, ривожланган давлатларнинг аудиторлик ташкилотларининг фаолияти, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва иш фаолияти, улар томонидан кўрсатилувчи хизматлар таҳлил қилинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Буюк Британияда аудиторлик фаолияти асосан кредиторлар, инвесторлар ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бу мамлакатда аудиторлик фаолияти асосан жамоат бирлашмалари ва институтлар томонидан тартибга солинади. Шундай бўлса-да, мазкур жамоат бирлашмаларининг фаолияти аудиторлик фаолиятида давлат томонидан ҳеч қандай функция бажармайди деган маънони келтириб чиқармайди. Ҳукумат қошида ташкил этилган Миллий аудиторлик кенгаши Бош аудитор томонидан бошқарилади. Миллий аудиторлик кенгаши ва аудиторлик институтлари доимо ҳамкорликда иш олиб боради. Аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимида асосий ишларни мустақил аудиторлик институтлари ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ қилади.

Францияда аудиторлик фаолиятини профессионал ташкил қилиш икки босқичда амалга оширилиб, минтақавий босқичда ҳисоб-китоб комиссарлари минтақавий компаниялари ва миллий босқичда ҳисоб-китоб комиссиялари Миллий компаниясини бирлаштиради.

Муаллифнинг фикрича, Францияда давлат аудит тизимини куришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, дастлабки назорат умумий иқтисодий тартибга солиш вазирликлари томонидан амалга оширилади. Яъни давлат ички назорат ва аудитнинг яхши ривожланган тизими доимий текширувларни амалга оширишга имкон бермайди, балки рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича ўз фаолиятини юритади.

Германияда аудиторлик фаолияти 2007 йил 24 январдаги “Аудиторларнинг мутахассислик низомлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Қонунда аудитор ўз касбини жамоатчилик олдида оқилона бажаришга йўналтирилган ва тегишли имтиҳондан ўтиш орқали шахсий ва касбий мувофиқлиги тасдиқланган шахс эканлиги белгилаб қўйилган. Германия аудиторлар институтининг вазифалари аудиторлик касби ривожланишига кўмаклашиш ва мамлакатни аудиторлар билан таъминлаш, умумий касбий тамойил ва нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда аудиторлик касбининг барча вакиллари томонидан мазкур стандартларга риоя қилишдир. Аудиторлар институти ишида юзага келувчи муаммоларни муҳокама қилиш учун унинг таркибида ўз касбининг тажрибали ва таниқли вакиллари жамланган махсус ихтисослашган аудиторлик кўмиталари ташкил этилади.

1-жадвал

Европа давлатларида аудиторлик фаолияти

кўп поғонали тизимнинг тавсифланиши¹²

| Кўрсаткичлар | Буюк Британия | Франция | Германия | Италия | Швеция |
|---|---|---|--|---|---|
| Асосий қонун ва норматив ҳужжатлар | Компаниялар тўғрисида қонун | 1969 йил 12 августда қабул қилинган декрет ва 1994 йил 24 январдаги ҳукумат қарори | Аудиторларнинг профессионал устави тўғрисидаги қонуни | Фукаролик кодекси | Аудит тўғрисида қонун |
| Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи органлар | Дипломли бухгалтерлар ва аудиторлар комитети | Адлия вазирлиги, Бухгалтер-экспертлар ордени Миллий ревизорлар палатаси | Аудиторлар палатаси | Адлия вазирлиги, Аудиторлар миллий институти | Аудиторлик фаолияти комиссияси |
| Аудит стандартлари | Миллий | ХАС | ХАС | Миллий- | Миллий |
| Стандартни тасдиқловчи ташкилот | АССА проф. ташкилоти | Аудиторлар олий кенгаши | Аудиторлар палатаси | Адлия вазирлиги | Аудиторлар кенгаши |
| Лицензия берувчи ташкилот | Молия вазирлиги | Аудиторлар олий кенгаши ва Молия вазирлиги | Аудиторлар палатаси | Адлия вазирлиги | Аудиторлар кенгаши |
| Назорат қилувчи ташкилот | Молия вазирлиги | Адлия вазирлиги | Иқтисодиёт вазирлиги | Адлия вазирлиги | Аудиторлар кенгаши |
| Давлат аудит органи | Миллий аудит бошқармаси | Ҳисоб суди | Ҳисоб палатаси | Ҳисоб палатаси | Миллий аудит бошқармаси |
| Аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган асосий хизматлар | Ҳуқуқ, солиқ, молиявий консалтинг | Ҳуқуқ, солиқ, | Солиқ, молиявий ҳисобот | Солиқ, бухгалтерия | Солиқ, ҳуқуқ |
| Аудиторлик фаолиятини олиб боровчи шахс | Аудиторлик ташкилоти аудиторлари ёки алоҳида махсус аудиторлар. | Бухгалтер-эксперт дипломига эга ёки ҳисоб комиссиясининг реестрида турувчи аудиторлар | Индивидуал аудиторлар ёки аудиторлик ташкилотлари аудиторлари | Адлия вазирлигининг реестрида турувчи аудиторлар | Якка тартибдаги аудиторлар (индивидуал) ёки аудиторлик ташкилотнинг рўйхатида турган аудиторлар |
| Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқий шакли | Очиқ акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият | Очиқ акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият | Акциядорлик жамияти, шериклик тарзидаги масъулияти чекланган жамият | Очиқ акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият | Очиқ акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият |
| Аудиторларга қўйиладиган талаблар | Молия, бухгалтерия ёки бошқарув бизнеси мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини тугатган бўлиши керак. Шунингдек катта аудиторлик ташкилотлари СРА, АССА ва АСА сертификатларини талаб этиши мумкин | Олий маълумотга эга бўлиш ёки камида 15 йил тадбиркорлик билан шуғулланган бўлиш | Иқтисод, ҳуқуқшунослик ёки техника мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш ва аудит тизимида 4 йиллик иш стажига эга бўлиш | Иқтисод, ҳуқуқшунос-лик мутахассис-лиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш ёки бухгалтерия мутахассис-лиги бўйича ўрта маълумот ҳамда 3 йиллик иш стажига эга бўлиш | “Иқтисодиёт” мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш |

АҚШ тажрибасининг фойдали томони шундаки, бу ерда аудит жараёни ҳисобдорликнинг асосий тушунчалари, тартиб-таомиллари ва амалиётдан иборат стандартларга асосланади. Давлат назорат бошқармаси Лима декларацияси тамойилларини рўёбга чиқарувчи давлат аудити стандартларини мунтазам равишда такомиллаштириб боради.

АҚШда давлат ва жамоат органларига нисбатан барча назорат функцияларини ўз зиммасига олувчи ягона монопол назорат органи йўқ.

Канадада Бош аудитор бошқармасининг қонунчилик асосини “Бош

¹² Тадқитотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

аудитор тўғрисида”ги ҳамда “Давлат молиясини бошқариш тўғрисида”ги қонунлар ташкил этади.

2-жадвал

Америка ва Осиё давлатларида аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг тавсифланиши¹³

| Кўрсаткичлар | АҚШ | Канада | Япония | Жанубий Корея |
|---|--|---|--|---|
| Асосий қонун ва норматив ҳужжатлар | Бутун мамлакат учун ягона қонун ҳужжатлари мавжуд эмас, турли штатларнинг талаблари бир хил эмас | “Бош аудитор тўғрисида”ги қонун | “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун | Тижорат кодекси |
| Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи органлар | Молия вазирлиги ва жамоат бирлашмалари | Бош аудитор бошқармаси | Молия вазирлиги | Аудит кенгаши |
| Аудит стандартлари | Миллий | Миллий | Миллий | Миллий |
| Стандартни тасдиқловчи ташкилот | Молия вазирлиги | Бош аудитор бошқармаси | Молия вазирлиги | Сертификатланган бухгалтерлар институти |
| Лицензия берувчи ташкилот | Молия вазирлиги профессионал ташкилотлар билан | Бош аудитор бошқармаси | Молия вазирлиги | Сертификатланган бухгалтерлар институти |
| Давлат аудити органи | Давлат аудити бошқармаси | Бош аудитор бошқармаси | Ҳисоб палатаси | Аудит бошқармаси ва инспекцияси |
| Аудиторлик ташкилотларидан томонлан кўрсатилаган асосий хизматлар | Солиқ, ҳуқуқ, менежмент, молия ва бухгалтерия хисоботи | Солиқ, консалтинг хизматлари | Ҳуқуқ, солиқ, бошқарув | Бухгалтерия, солиқ, |
| Аудиторлик фаолиятини олиб боровчи шахс | Сертификатланган жамоат бухгалтерлари институтининг сертификатига эга индивидуал аудиторлар ёки аудиторлик ташкилотида фаолият юритувчи аудиторлар | Халқаро сертификатга эга аудиторлар | Малакавий имтиҳонларини тўлиқ топширган ва сертификатига эга шахслар | Малака сертификатига эга аудиторлар |
| Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқий шакли | Якка мулкчилик, шериклик ва корпорация шаклида | Акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият | Акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият | Акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият |
| Аудиторларга қўйиладиган талаблар | Коллежда “Бухгалтерия хисоби” мутахассилигини 4-5 йил ўрганиш, бухгалтерия сертификати учун давлат имтиҳони топшириш | Университет дипломи, сертификатланган бош бухгалтер (CGA), сертификатланган бошқарув хисобчиси (CMA), дипломи бухгалтер (CA) сертификатларидан бирига эга бўлиш | Олий маълумотли, малака имтиҳонларини топширган шахслар | Олий маълумотли, малака имтиҳонларини топширган шахслар |

Японияда аудиторлик фаолияти ва хизматлари бозорини молия вазирлиги ҳамда Сертификатланган жамоатчилик бухгалтерлари институти бошқаради. У ўзини-ўзи бошқарувчи уюшма сертификатланган жамоатчилик бухгалтерлари учун ягона ташкилот ҳисобланади: амалий фаолият билан шуғулланишни мақсад қилган малакали мутахассислар сертификатланган жамоатчилик бухгалтерлари номини олиб, мазкур институтга аъзо бўлишлари шарт. Бундан ташқари, ҳар бир аудиторлик текшируви натижаларига кўра, тегишли хулосалар келтирилган ҳисоботлар шу Институтга тақдим этиб борилади¹⁴.

¹³ Тадкитотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁴ Бухгалтерский учет, налогообложение, аудит в Российской Федерации [электронный ресурс] / режим доступа: <http://www.audit-it.ru/>, свободный.

МДХ давлатларида аудиторлик фаолияти кўп поғонали тизимининг тавсифланиши¹⁵

| Кўрсаткичлар | Россия | Украина | Озарбайжон | Қозоғистон | Ўзбекистон |
|---|---|--|---|---|---|
| Асосий қонун ва норматив ҳужжатлар | “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун | “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун | “Аудиторлик хизмати тўғрисида”ги қонун | “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун | “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун |
| Аудиторлик фаолиятининг тартибга солувчи органлар | Молия вазирлиги Аудиторлар палатаси Аудиторлик фаолияти бўйича комиссия | Аудиторлар палатаси, Аудиторлар кенгаши | Аудиторлар палатаси | Молия вазирлиги | Молия вазирлиги |
| Аудит стандартлари | Миллий | ХАС | ХАС | ХАС | ХАС |
| Стандартни тасдиқловчи ташкилот | Молия вазирлиги | Аудиторлар палатаси | Аудиторлар палатаси | IFAC, Аудиторлар палатаси | Молия вазирлиги |
| Лицензия берувчи ташкилот | Молия вазирлиги | Аудиторлар палатаси | Аудиторлар палатаси | Молия вазирлиги | Молия вазирлиги |
| Давлат аудити органи | Ҳисоб палатаси | Давлат молия инспекцияси | Давлат молиявий назорат хизмати | Ҳисоб кўмитаси | Ҳисоб палатаси |
| Аудиторлик ташкилотларидан томонлан кўрсатилаган асосий хизматлар | Бухгалтерия, Молиявий ҳисобот, менежмент, ҳуқуқ, | Солик, Бухгалтерия | Бошқарув, Молиявий ҳисобот | бухгалтерия, менежмент, молиявий ҳисоб | Солик, бухгалтерия, менежмент, молиявий ҳисоб |
| Аудиторлик фаолиятини олиб боровчи шахс | Аудиторлик ташкилотлари аудиторлари ва индивидуал аудиторлар | Аудиторлик ташкилотлари аудиторлари ва индивидуал аудиторлар | Аудиторлик сертификатига эга аудиторлик ташкилотда фаолият юритувчи шахслар | Аудиторлик сертификатига эга аудиторлик ташкилотда фаолият юритувчи шахслар | Аудиторлик сертификатига эга аудиторлик ташкилотда фаолият юритувчи шахслар |
| Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқий шакли | Аудиторлик ташкилоти исталган шаклда тузилиши мумкин, фақат унитар ва очик акциядорлик жамиятидан ташқари | Исталган ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин | Исталган ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин | Масъулияти чекланган жамият | Масъулияти чекланган жамият |
| Аудиторларга қўйиладиган талаблар | Иқтисод ёки ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича ўрта ёки олий маълумотга эга бўлиш ва охириги 3 йилда иқтисодиёт ёки аудит тизимида фаолият юритган бўлиш | Иқтисод ёки ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш ва охириги 3 йилда иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ ёки аудит тизимида фаолият юритган бўлиш | Бухгалтерия, иқтисодиёт, молия, ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш ҳамда 3 йиллик иш стажига эга бўлиш | олий маълумотга эга бўлиши, камида уч йиллик иқтисодиёт, молия, назорат-тафтиш, ҳуқуқ соҳаларида ёки аудит ва бухгалтерия ҳисоби фанларидан дарс берган бўлиш | олий маълумотга эга бўлиши, камида уч йиллик аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида ёхуд шу соҳаларда олий таълим муассасаларида дарс бериш бўйича амалий тажрибага эга бўлиши; аудиторлик ташкилотда бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлиш |

Россияда ҳозирги кунда аудиторлик фаолияти 2008 йил 30 декабрда қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 307-ФЗ-сонли федерал қонун, шунингдек, давлат томонидан ва касбий жиҳатдан тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Украинада аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун ифодалайди. Бу қонунга мувофиқ, Украинада

¹⁵ Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

аудитни фақат сертификат олган аудиторлар ўтказиши мумкин. Аудиторларни сертификатлаш Украина Аудиторлик палатаси томонидан амалга оширилади.

Озарбайжон Республикасининг 1994 йил 16 сентябрда қабул қилинган 882-сонли “Аудиторлик хизмати тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, мамлакат ҳудудида аудиторлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ташкил этилади.

Муаллиф томонидан Европа, Америка, Осиё ва МДХ мамлакатларининг аудиторлар жамоат бирлашмаларини тадқиқ этиш натижасида бу минтақа мамлакатларида аудиторлик фаолиятини давлат органлари ва жамоат бирлашмалари биргалик назорат қилиши ўрганиб чиқилди. Жаҳон тажрибаси таҳлили натижасида мамлакатимизда ҳам аудиторлар жамоат бирлашмалари ваколатларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

4-жадвал

Аудиторлар жамоат бирлашмалари ваколатларини кенгайтириш бўйича амалий таклиф¹⁶

| Аввалги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ | Тадқиқотлар натижасида эришилган илмий-амалий натижа |
|--|--|
| Аудиторлик ташкилотлари лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар уч йилда камида бир мартаба текшириб турилган | Аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ҳар уч йилда камида бир марта ташқи назоратдан ўтказиш ва улар томонидан ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни аудиторлар жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида эълон қилиш орқали аудиторлар республика жамоат бирлашмасининг аудиторлик фаолиятини тартибга солиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш |

Муаллифнинг фикрича, мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида аудиторлар жамоат бирлашмаларининг аудиторлик ташкилотлари ишининг ташқи назоратини амалга ошириши, нафақат аудиторлар жамоат бирлашмалари ваколатлари кенгайтириши, балки аудиторлик фаолиятида жамоат бирлашмалари обрўси ошиши ва ваколатли органнинг яқка назоратига барҳам беради.

Тадқиқотлар натижасида жаҳон мамлакатларида аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш бўйича йиллар оралиғи таҳлил қилинди. Жумладан, Германия ва Италия давлатларида 2 йилда, АҚШ, Буюк Британия, Россия ва Қозоғистон давлатларида 3 йилда ва Канада давлатида 4 йилда текширув олиб борилади.

Диссертация ишининг “Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг кўп поғонали тизимини такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг таҳлили, аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган аудит текширувлар ва турдош хизматлари, “Катта тўртлик” аудиторлик ташкилотларининг фаолияти таҳлили, шунингдек, аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар

¹⁶ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ишлаб чиқилган.

5-жадвал

Аудиторлик ташкилотлари ички стандартларининг умумий концепцияси¹⁷

| Гуруҳлари | Гуруҳларнинг таркиби |
|--|--|
